



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 13 сентябрь, № 180 (4079) ● Чоршанба



Мазкур мактабга етмиш йил муқаддам асос солинган. Охириги марта 2005 йилда тубдан таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг учун 147 миллион сўм сарфланди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Наманган вилояти бўлими ажратган 78 миллион сўмга эса қўлинг ўргилсин спорт зали бунёд этилди.

Бу даргоҳда ўқиганнинг армони йўқ



Тўрақўрғон туманидаги энг ибратли 3-мактаб (дарвоқе, ушбу таълим маскани шу ерлик маърифатпарвар Ибрат номи билан аталади) фақат муҳташам биноси

билан эмас, балки маҳоратли муаллимлари, заковатли битирувчилари билан ҳам фахрланушга ҳақли. Янғидан қад ростлаган бинода 26 та ўқув хонаси, компьютер син-

фи, лингафон хонаси, кимё, биология ва физика лабораториялари мавжуд. Мактаб довуғи бутун вилоятни тутган. Шу боис бўлса керак, ушбу билим даргоҳида иш-

лаш иштиёқида бўлган педагоглар йил сайин кўпаймоқда. Хуллас, мактаб нуфузи маърифатга бўлган эътиборни ифода этаётир.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 20 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ноябрь ойининг иккинчи яқшанбаси Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлға киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 12 сентябрь
№ УРК — 47

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Корея Республикаси Бош вазири Хан Мёнг Сук 2006 йил 24-26 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлади.

Ташриф асносида икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йил 28-30 март кунлари Корея Республикасида давлат ташрифи чоғида эришилган битим ва келишувларни амалиётга татбиқ этишга оид масалалар муҳокама қилинади. Тошкентдаги музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

Ишбилармонлар мулоқоти

Шу кунларда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ) Ишбилармонлар Кенгашининг Хитой Халқ Республикаси томони раиси Чжан Юйцзин раҳбарлигидаги делегация мамлакатимизда меҳмон бўлиб турибди. Делегация таркибига қурилиш соҳасига махсус техника ва материаллар, электротехника ускуналари ишлаб чиқарувчи, машинасозлик, юк ташиш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва бошқа тармоқларда фаолият кўрсатувчи йигирмадан ортиқ йирик компанияларнинг раҳбар ва вакиллари бор. Мазкур ташриф Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилди.

Таъкидлаш жоизки, Ишбилармонлар Кенгаши ШХТ доирасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, молия, қишлоқ хўжалиги ва бошқа кўпжа соҳаларда ташкилот-

га аъзо давлатларнинг ўзаро алоқаларини кўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган эди. Кенгаш ШХТга аъзо давлатлар ишбилармонлари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиб, ушбу мамлакатларни савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда кўп томонлама алоқалар жалб этишда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши билан алоҳида аҳамиятга эга. Хитойлик ишбилармонларнинг юртимиз тadbirkorлари билан бўлиб ўтган учрашувларини ҳам ана шу савдо-иқтисодий алоқаларнинг далоли сифатида баҳолаш мумкин.

Маълумки, Хитой Халқ Республикаси мамлакатимизнинг етакчи савдо ҳамкорларидан бири саналади. 2005 йилнинг май ойида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Дустилик, ҳамкорлик ва

(Давоми 2-бетда).

GERMANIYADA ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ

Германиянинг Бремен шаҳрида мамлакатимиз билан боғлиқ бўлган иккита тадбир ўтказилди. Улардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг немис тилида чоп этилган "Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди" китобининг тақдими бўлса, иккинчиси юртимиз мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали кечадир.

Иккала тадбир ҳам мамлакатимизнинг 1872 йилдан буён фаолият кўрсатиб келатган Бремен пахта биржаси биносидан ўтказилди. Ўзбекистон дунёда пахта толасини экспорт қилувчи энг йирик мамлакатлардан бири бўлиб, унинг аксарият қисми харидорларга айнан Бремен биржаси орқали етказилади.

Тақдимот доирасида меҳмонларга мамлакатимиз раҳбарияти мустақиллигининг илк йиллари-

даёқ белгилаб олинган кенг қўламли ислохотларни ҳаётга татбиқ этиш, халқ манфаатларини ҳимоя қилиш, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли ва нуфузли аъзоси бўлишини таъминлаш йўлида амалга ошираётган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берилди. Ўзбекистон дунёвий давлат ва демократик жамиятни барпо этиш йўлидан оғишмаслиги, мамлакатимизда миллий манфаатлар-

ни ҳимоя қилишга доимо устувор вазифа сифатида қаралиши алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Бремен пахта биржаси президенти, Ўзбекистоннинг мазкур шаҳардаги фахрий консули Людигер Фоллерс сўзга чиқиб, мамлакатимиз иқтисодийни ислоҳ қилиш, кичик тадбиркорликни, экспортга ихтисослашган тармоқларни ривожлантириш борасида эришган ютуқларга йиғилганлар эътиборини жалб этди. Унинг фикрича, мамлакатимизда охириги йиллардаги барқарор иқтисодий ўсиш чуқур ўйланган ва изчиллик би-

лан ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислохотлар моделининг самарасидир.

Л.Фоллерс Ўзбекистон раҳбарининг асари билан танишган китобхон республикада ислохотлар сиёсати давом этаётгани ва террорчилик ҳамда диний экстремизмга қарши курашда кенг қўламли савдо-иқтисодий амалга оширилаётганига яна бир қарра ишонч ҳосил қилиши мумкинлигини таъкидлади. Шу ўринда у йиғилганларни мамлакатимизда рўй бераётган жараёнларга баҳо беришда ҳолис бўлишга даъват этди.

Бремен федерал ўлкаси маданият масалалари бўйича сенаторининг давлат маслаҳатчиси, "Ўзбекистон-Бремен"

(Давоми 2-бетда).

Мамлакатимизда ЮНЕСКО билан амалий ҳамкорлик харитаси кун сайин кенгаймоқда. «Аёзқалъа» туристик мажмуасида ўтказилаётган халқаро анжуман фикримизга яққол далил бўла олади.

Аждодлар мероси эъзозда

Маълумки бу ерда миллоддан аввалги II-IV асрларга оид 3 та кўхна кўрғон бор. Ёдгорликлар мажмуасидан қадимий Хоразм давлати, Кушон империяси тарихини тасдиқловчи ашёлар, шу жумладан, император Канишка тангалари топилган. Айни чоғда ушбу мажмуа, шунингдек, Қорақалпоғистон жанубидаги Енбошқалъа, Қўйқирилганқалъа, Қўрғоқинқалъа, Қирқизқалъа ва бошқа масканлар ҳам гишт меъморчилигининг ажойиб намуналарини ҳисобланади.

«Марказий Осиё мамлакатлари ва Афғонистон ҳудудидagi хом гишт меъморчилиги намуналарини сақлаб қолиш муаммолари» мавзусидаги амалий семинарда мамлакатимиз археологлари, мутахассислари билан бир қаторда Франция, Афғонистон, Австралия, Козогистон, Қирғизистон, Тожикистондан олимлар иштирок этмоқда. Амалий анжумани ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари, жаноб Майкл Барри Лейн очди. Таъкидландики, ЮНЕСКО мамлакатимиздаги бетақдор моддий маданиятни асраб қолиш ишига салмоқли улуш қўшиб келмоқда. Айнан шу ташкилот ёрдами билан Самарқанд, Хива, Бухоро, Термиз ва бошқа шаҳарларимизда ота-боболаримиз тиклаган ўнлаб хом гишт меъморчилиги намуналарини қайта таъмирланди. Анжуманда бу ишни янада жонлантириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар кўриб чиқилади. Айниқса, Франциянинг Гренобль университети ҳузурдаги Халқаро хом гишт меъморчилиги намуналарини ўрганиш илмий маркази — «КРАТерра» бу йўналишда фаолият кўрсатмоқда. Анжуманда ушбу марказ вакиллари билан жаноб Махмуд Бендақир ва жаноб Давид Гандро қатнашиб, кўп йиллик тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Анжуман 18 сентябргача давом этади.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СОЛИҚЛАР — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

2006 йил биринчи ярмида хўжалик юртувчи субъектларнинг молиявий ресурсларининг солиқ юки камай-тирилгани тўғрисида 126 миллиард сўмдан ошди.

Натижада инвестиция ва айланма маблағлар кўпайишига, иш ҳақи оширилишига шароит яратилди.



Ишлаб чиқариш кенгайганлиги учун 192 минг киши янги иш жойи билан таъминланди.

2007 йилги солиқ концепциясида бу йўналишлар янада тақомиллаштирилиши кўзда тутилган.

Битта гап

Кончиرو МАЦУУРА, ЮНЕСКО Бош директори:

Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов раҳбарлигида юртингизда қадимий обидалар, муқаддас қадимжоларни кўз қорачигидай асраш ва келгуси авлодларга етказиш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар бизни жуда қувонтирди. Тошкент, Хива ва Самарқандда бунга яна бир қарра гувоҳ бўлдим. Айниқса, Шоҳи Зинда мажмуида амалга оширилган таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари улғў аждодларингиз меросига улкан эҳтиром намунасидир. Бу қадим шаҳарнинг 2750 йиллик юбилейида ЮНЕСКО вакиллари ҳам фаол иштирок этади.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди

Босма оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ва интернет нашрларида мамлакат ҳаётининг устувор ва долзарб йўналишларини кенг ёритиш, аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналистларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда босма ва интернет нашрларини жамият ҳаётида кечётган жараёнлар тезкор, ҳолис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, журналистларнинг профессионал маҳоратини ва ижодий фаолиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди республикадаги босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари журналистлари ўртасида «Жамият ва Мен» танловини эълон қилади.

Танлов йўналишлари

Танлов қўйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

- энг яхши таҳлилий мақола;
- энг ўтқир таъқидий мақола;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг муфассал шарҳ;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебюти (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, тиббиёт, таълим, кадрлар тайёрлаш, тадбиркорлик ва спортни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалда-

ги ижросини ёритишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади. Тақдим этилган материаллар ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган, икки нусхада бўлиши керак.

Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид) маълумотлар илова қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликларида танлов учун махсус ташкил этилган «Жамият ва Мен» танловига» рўқнда танлов матбуотда эълон қилинган кундан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Танлов ғолиблари «Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни» байрами арафасида аниқлаиб тақдирланадилар.

Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар таниқли журналистлар, манфаатдор жамоат ташкилотлари, жамғармалар, идора ва муассасалар вакилларида иборат нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални ёритишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Танлов ғолибларига муқофотлар

Танлов ғолиблари ҳар бир номинация бўйича Фонд томонидан таънис этилган дипломлар ва қимматбаҳо совринлар (рақамли фотоаппарат ва диктофон) билан тақдирланадилар. Материаллар ва уларга ҳисобот қуринишидаги маълумотлар «Жамият ва Мен» танловига» деган қайд билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2007 йил 1 июнига қадар қўйидаги манзилга жўнатилади: Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона. Телефон: факс: 144-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmf@uzpak.uz.

Тошкент қўмитаси.

Германияда Ўзбекистон президенти китобининг тақдироти бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда).

Уюшмаси раиси Элизабет Мочманн Фарбингнинг айрим оммавий ахборот воситалари ва сиёсий доиралари террорчилик хавфи нақадар жиддий эканини ҳали-ҳануз англаб етмаганини афсус билан қайд этди. Унинг таъкидлашича, мамлакатнинг сиёсатига баҳо бериш чоғида ўша минтақадаги шарт-шароит-

лар, ҳар бир халқнинг миллий-маданий хусусиятларини инобатга олиш даркор.

Ўзбекистон Президентининг китоби тўғрисидаги таассуротлари билан ўртоқлашар экан, Бремен университетининг профессори Хаген Лихтенберг асарда ҳозирги замон сиёсий ҳаётининг энг долзарб масалаларидан бири бўлган демократлаштириш жара-

ёнини чуқур таҳлили келтирилгани унинг диққатини тортганини таъкидлади. Олимнинг айтишича, Ғарб демократиясини бошқа халқларга "мажбурий модель" сифатида зўрлик билан қабул қилдиришга қаратилган уришлар уларнинг моҳияти бузилишига олиб келади", — деб таъкидлади олим.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига ба-

ғишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари мустақиллик байрамига бағишлаб Алишер Навоий номидаги Миллий бонда бўлиб ўтган концерт дастури туширилган видеотасмани томоша қилдилар. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари ихросидаги куй ва кўшиқлар, рақслар, айниқса, Немис маданияти маркази фольклор гуруҳининг чиқиши, байрам дастурунинг гўзаллиги ва ранг-баранглиги таассурот қолдирди.

Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ, "Жаҳон" АА мухбири. Бремен-Берлин.

шерикчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномага қўра, алоқалар ўзининг янги босқичига кўтарилди. Республикада Хитой инвестицияси иштирокида 83 та корхона ташкил этилгани бунинг тасдиғидир. Улар энгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва ахборот технологияси соҳаларида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, юртимизда мазкур давлатнинг 26 та компания ва фирмалари ҳам ўз ваколатоналарини очган.

2005 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги умумий савдо айланмаси 485,5 миллион АҚШ

Ишбилармонлар мулоқоти

(Давоми. Боши 1-бетда).

долларини ташкил қилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида бу борадаги кўрсаткич 378,8 миллион АҚШ долларига етди. Мана шу рақамларнинг эътиборли алоқаларимиз қай даражада эканлигини яқол намоян эътибор.

Кеча пойтахтимиздаги "Ле Гранд Плаза" меҳмонхонасида ташкил этилган бизнес-форумда икки давлат ишбилармонлари учрашиб, савдо-иқтисодий муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболларини муҳокама қилишди. Улар ўшуб тадбир доирасида очилган кооперацион биржада ҳам иштирок этдилар.

Шавкат ОРТИҚОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Анжуман

Дунё миқёсида нашр этилаётган китоблар сонининг кун сайин ортиб бориши китоб савдоси билан шуғулланувчилар ва китоб тарқатувчилар иштини мураккаблаштириб юборди. Натижада нашр этилаётган ҳар бир китобга бюортом бериш ва омборларда сақланаётган китоблар ҳақидаги маълумотларни автоматик тарзда ишловдан ўтказиш эҳтиёжи туғилди.

Рақамли китоблар жаҳон кезади

Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир китобни бир қиймат бўйича аниқлайдиган ноб ва айна пайтда содда рақамлаш тизимини яратишни талаб қилди. 1967 йили Буюк Британиядаги «J. Whitaker @ Sons, LTD» компанияси ва 1968 йили АҚШдаги Р. Боукер томонидан татбиқ қилинган тизим халқаро стандарт китоб рақамлаши учун асос бўлди. Айна пайтда халқаро стандартлаш тизимида 160 дан ортиқ давлат қатнашаётган бўлса, мамлакатимизнинг ҳам «International Standard Book Number - ISBN» (Халқаро стандарт китоб рақами)га аъзо бўлиши катта аҳамиятга эга.

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа уйининг мажлислар залда республикамизнинг ISBN ташкилотига аъзо бўлиши муносабати билан халқаро анжуман ўз ишини бошлади.

— Ушбу ташкилотга аъзо бўлиш Ўзбекистон китоб савдосида ўз рақамига эга бўлиш ҳуқуқини беради, — дейди Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг илмий ва маркетинг тадқиқотлар бўлими бошлиғи, доцент Улугбек Каримов. — Масалан, ўқувчи интернет орқали "Информатика" китоби билан танишиши керак. Шу мақсадда у керакли тургани босганда, етти ёки саккизта шундай китоб чиқиши мум-

кин. Лекин ўқувчиға ўзи билган муаллифнинг китобини топишда ISBN катта наф беради. Чунки ҳар бир китоб ўз рақамига эга бўлган, уни топиш осонлашади. Бу айна чоғда юртимизда нашр этилаётган китобларнинг жаҳонга чиқиши учун катта имконият, демаскид.

14 сентябрга қадар давом этакдан халқаро анжуманининг очилиш маросимида Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги раҳбарлари, Германиянинг юртимиздаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий китоб палатаси ходимлари иштирок этди.

Маҳмуд ЖОНИХОНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди

Янгийўл туманидаги "Янгийўл" кўп тармоқли сыхаттоҳида Осиеў жижизлар уюшмаси ижрозия кўмитасининг навбатдаги йилгилиши бўлиб ўтди. Унда Ливан, Иордания, Хиндистон ва Ўзбекистон давлатларининг вакиллари иштирок этди. Тадбирда кўзи оғиз ва кўриш қобилияти суст кишиларнинг турмуш тарзини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Осиеў Кўзи оғизлар уюшмаси ўз аъзоларини иқтисодий қўллаб-қувватлаш, моддий ва техник ёрдам кўрсатиш, шунингдек, уларнинг ҳақ-ҳўқуқларини ҳимоя қилиш билан шуғулланади. Мамлакатимизда Кўзи оғизлар жамияти 1932 йилда ташкил этилган бўлиб, айна пайтда унинг

169 та туман ва шаҳар бўлими маъбуд. Улар маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Кўзи оғизларнинг иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш шартлирини яхшилаш, ёрдамга муҳтож кишилар орасида реабилитация тадбирларини амалга ошириш, уларни маданий-маърифий ва спорт ишларига жалб этиш, умуман кўзи оғизларнинг жамиятимизнинг фал аъзоси сифатида ҳаётга йўналиштириш ташкилотнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ҳозир Ўзбекистон Кўзи оғизлар жамияти ҳўқуматимиз ёрдамида Япония давлати билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Унга қўра, нафақат мамлакатимиз, бал-

ки Марказий Осиеў минтақасидаги кўзи оғиз ва кўриш қобилияти суст бўлган фуқаролар учун махсус қабарик ҳарфларда босилган китоблар тайёрлайдиган дастоҳ харид қилиш режалаштирилган. Ушбу иш амалга оширилган, босилаётган китобларнинг сифати бирмунча яхшиланади ва уларни ишлаб чиқариш таннари ҳам арзонлашади.

Йилгилиш якунида Осиеў Кўзи оғизлар уюшмасига аъзо давлатларнинг молиявий фаолияти, шунингдек, келгуси йилги иш режалари, лойиҳаларни амалга ошириш бўйича грантлар олиш дастури тасдиқланди.

Ҳосил КАРИМОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Фирма тўхфаси

Янги ишга туширилган ичимлик суви тармоғи Мингбулок туманидаги «Баландгуртепа» маҳалласи ахлига байрам совғаси бўлди. Мазкур ўзини ўзи бошқариш идораси бундан бир муддат аввал БМТнинг 9 миллион 760 минг сўмлик грантини ютиб олган эди. Тармоқ ана шу маблаг ҳисобига тикланди. «Наманган ЭЛРМ сервис» фирмаси 2,5 километр узунликдаги қувурларни тезкорлик билан монтаж қилиб, ҳар ўз метр масофага алоҳида жўмраклар ўрнатиб берди.

Ҳайри иш рўёбга чиқарилиши билан нафақат маҳалла хонадонлари, балки ҳудуддаги иқтисодий иншоотларга ҳам экологик тоза ичимлик суви кириб борди.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Бухоро зардўзлари

Бухоро ўзининг бетакрор осори-атиқалари, ноёб меъморий обидалари билан мағрибу Машриқда донг таратган. Шу билан бирга, ушбу шаҳар номи унинг ўта моҳир ҳўнармандлари, қўллар, заргарлари, айниқса, зардўзлари маҳорати туфайли янада машҳурдир.

Мана, 76 йилдики, бу қадим шаҳарда зардўзлик фабрикаси фаолият кўрсатмоқда. Таъкидлаш жоиз, истиқлол йилларида ишлаб чиқарилаган янги технологияларнинг жалб этилиши боис корхона маҳсулотларининг сифати яхшиланиб, миқдор даражаси ошди. Мисол учун, ҳозирда 70 нафар чевар меҳнат қилаётган жамоада 100 дан зиёд касаначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариламоқда. Муҳими, ушбу маҳсулотлар ҳорижлик сайёҳлар томонидан ҳам сўюб харид қилинмоқда.

СУРАТДА: зардўзлик фабрикаси ҳаётиндан лавҳа. Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 12 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юртим, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун ҳорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	925,23	1 Исландия кронаси	17,19	1 Швейцария франки	984,98
1 Англин фунт стерлинги	2291,76	1 Канада доллари	1096,05	1 ЕВРО	1557,08
1 Дания кронаси	208,75	1 Хитой юани	154,46	10 Жанубий Корея ваши	12,84
1 БАА дирҳами	334,50	1 Малайзия ринггити	334,99	10 Япония иенаси	105,29
1 АҚШ доллари	1228,56	1 Польша злотийски	390,66	1 Россия рубли	45,91
1 Миер фунти	214,41	1 СДР	1818,15	1 Украина гривнаси	243,28
		1 Туркия лираси	832,08		

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олман.

Хушхабар

Ҳўнармандларимизнинг Болгариядаги галабаси

Пауэрлифтинг спорт тури бўйича юртдошларимиз кўлга киритаётган муваффақиятлар салмоқли бўлмоқда. Жорий йилнинг 5-10 сентябрь кунлари Болгария пойтахти София шаҳрида ўсмирлари ўртасида ўтказилган XXIV жаҳон чемпионатидан ҳам вакиллариимиз медаллар шодаси билан қайтишди.

Чемпионатда дунёнинг 29 мамлакатидан келган кучли пауэрлифтинг спортчи усталари баҳс юритди. Мусобақада ўзбекистонлик Ефим Нанилов пауэрлифтининг уч йўналишида (172, 287, 734 килограмм) олтин, бир йўналишида эса (275 килограмм) кумуш медал соҳиб бўлди. Темура Ҳакимжонов ҳам ўтириб туриш машаққати 275 килограмм натижа билан олтин медални кўлга киритди. Александр Романенко ердан узиб олиш машаққатида 287 килограмм натижага эришиб, бронза медал билан тақдирланди.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда Юля Стеененко эришган муваффақият ҳам тахсинга сазовор. У пауэрлифтининг тўрт йўналиши бўйича (207, 115, 205, 527 килограмм) шохсупанинги юқори погонасига кўтарилди. Анна Васинага эса тўрт йўналиш бўйича (125, 52, 132, 309 килограмм) бронза медални насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Суд-ҳуқуқ ислоҳоти

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Мамлакатимиз Асосий Қонунининг 24-моддаси талабларига қўра, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Жиноий жазоларни инсонпарварлаштириш йўлида

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилиши мулоқо янги концепцияси амалда жорий қилинди. Судларнинг жиноий, фуқаролик ишлари бўйича иқтисослашуви, ишларни судларда кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланди. Судлар ўзига хос бўлмаган вазифалардан озод этилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Фармонда 2008 йилнинг 1 январидан жиноий жазо тури сифатида ўлим жазосини бекор қилиш ва унинг ўрнига умрбод ёхуд узоқ муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазосини жорий этиш белгиланган.

Шу ўринда бир савол туғилади: нима сабабдан мазкур Фармонда ўлим жазосини бекор қилиш 2008 йилнинг 1 январидан жорий этиш кўзда тутилган? Ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли ўртасида

лари ижрозия этилишини ташкил қилиш таҳрибасига эга бўлган ҳорижий мамлакатларнинг тегишли қонун ҳужжатларини чуқур ўрганиб чиқиш ни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу ишларни бажариш маълум вақт талаб қилишини инобатга олиб, Фармоннинг қўра қилиниши 2008 йилнинг 1 январидан белгиланган.

Жиноят кодекси қабул қилинган пайтда ўлим жазо-

дир жиноят қонунчилиги сиёсати жаҳонда кечаятган жараёнларга тўла мосдир. Конституцияимиз моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилини ўзида тўлиқ акс эттиради. Ўлим жазосини жазолаш тизимидан бутунлай чиқариш борасидаги ҳаракатлар ушбу жараённинг муҳим босқичи бўлиб, ҳуқуқ тизимизнинг инсонпарварлик меъёриларига мослигини янада мустаҳкамлайди.

Шунингдек, шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини қўлайтириш юзасидан давлатимиз раҳбари шундай деган эди: «Бошқа демократик давлатлар каби Ўзбекистонда ҳам шахснинг ушлаб туриш, ҳибсга олиш, шунингдек, бошқа процессуал мажбурий чораларни қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқларини ҳам судларга ўтказиш керак, деб ўйлайман».

Президентимизнинг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонига қўра, 2008 йил 1 январдан бошлаб жиноятни содир этишда гуно қилинаётган ёки айбланаётган шахсларни қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судлар ваколатига ўтказишни назарда тутди. Мазкур Фармонда эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш қонунда белгиланган бошқа эҳтиёт чораларини қўллаш самарасиз бўлган алоҳида ҳолатларда ва фақат жиноят ишлари бўйича судлар ёки ҳарбий судлар ваколатига мувофиқ, уларнинг қарори бўйича амалга оширилиши лозим. Авваламбор,

бу масалани фуқароларнинг эркинлиги билан боғлиқ конституциявий меъёрлар нуктаи назаридан кўриб чиқиш лозим. Қамоққа олиш, вақтинча бўлса-да, бироқ одамга унинг эркинлигини чеклаган ҳолда жиддий таъсир кўрсатади. Дастлабки тергов ёки суриштириш босқичида суд назоратини таъминлаш ҳисобига жинот жараёни иштирокчиларининг тизимга муносабатлари тўдан ўзгаради. Ўз навбатида, суд мустақил орган сифатида мазкур чорани қўллаш имкониятини баҳолашга ҳолис ёндашиши керак. Таъкидлаш жоизки, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш умумэтироф этилган тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мувофиқ келади.

Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мунтазам равишда мазкур фармонларнинг мақсади ва мазмун-моҳиятини корхона, муассаса, ташкилотларда ва аҳоли ўртасида тушуштириш ишларини йўлга қўйиш, мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, одил судловни амалга ошириш мақсадида чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, оммавий ахборот воситаларида бу масалаларда мақолалар ёритиб бериш, тергов, суриштирув, прокуратура ва суд органлари ўртасида минтақавий конференциялар, семинарлар уюштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, инсоннинг яшаш ҳуқуқини эълон қилуви ва мустаҳкамловчи умумшаарий ва минтақавий миқёсдаги халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда мамлакатимиздаги вазиятни эътиборга олиб, Ўзбекистон ислохотларининг барча соҳаларида бўлгани каби жиноий жазоларни босқичма-босқич либераллаштиришда ҳам ўзига хос йўлдан бормоқда.

Ҳўсан МУЛЛАЖОНОВ, Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Ўзбекистон овози» 12 сентябрь. Шўхржон Орипов «Қадах бахтининг «муҳри»ми?»:

«Бир қарашда оддий, майда гап-сўздай бўлиб туюлган «қадах» сўзи замирида инсоннинг юксак маданияти, ахлоқи, одоби, иймон-эътиқоди, ўзликини англаш, миллий урф-одатларимизни авайлаб-асраш туйғулари муҳасамдир. Бинобарин, тўю тантаналарда айтиладиган маъруза, нутқ, халқона қадах сўзларимиз одамларнинг маънавий дунёқарашини бойитсин, буну ёдда тутайлик».

«Фидокор» 12 сентябрь. Зоҳиржон Ҳайдаров «Мустақиллик мактаблари»:

«Андижон туманининг Хартум қишлоғидаги 1974 йилда қурилган 495 ўринли 39-умумтаълим мактаби биносининг эски ҳолатда олинган сурати билан янги таъмирдан чиқарилган бугунги қиёфасини солиштириб, атоқли алома Мамамуҳўжа Бехбудий «Дунёдаги энг улўу ва қўркам иморат» деганда бинолари муҳандислик, коммуникация инфратузилмаси тўдан янгилаётган, капитал реконструкция қилинган мана шундай замонавий мактабларни назарда тутган бўлса ажаб эмас, дея ўйлаб қолдик».

«Тошкент оқшони» 12 сентябрь. Тўхташ Фаниев «Ранглар жиҳосида акс этар ҳаёт»:

«Оллоҳ таоло бу расомга улўу мартаба ато қилиб, унинг кўнглини портрет жанрига маҳаббат қўйишга сазовор қилди. Малик Набивнинг мўйлақами билан ўзбек тасвирий санъатининг портрет жанри улўу бир янгилини сари олдимақоқда».

«Ишонч» 12 сентябрь. Боборавшан Боймуродов, Мансур Аловуддин «Нозғулнинг аччиқ қисмати»:

«У жаҳл отига миниб, ошкона томонга ўтди. Уша ерда сотиш учун бензин тўлатиб қўйилган бир неча бақлақча идишларни олиб изига қайтди. Кейин уларни бир-бир очиб, аввал бешика, сўнг катта ўғли ва тўшақларга ва кўп қисмини хотинининг устига қўйиб чиқди. Сўнгра ўт қўйилган хона эшигини қўлфлаб, биринчи дуч келган машинага ўтириб жўнаб кетди».

«Солиқ ва божхона хабарлари» 12 сентябрь. «Қизгин мавсум»:

«Қозғоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистоннинг мева-сабзавот маҳсулоти асосан Россияга олиб бориб сотилади. Вилот бозорлари ва дўконларига ҳар йили ўртача 80 минг тоннадан ортиқ мева ва сабзавот келтирилади. Эз ўшуб маҳсулотни Сибирга олиб келиш учун айниқса қизгин мавсумдир. Бу йил импортчлар қўлайлигини ўйлаб Новосибирск вилотида сабзавот ва меваларнинг божхона расмийлаштируви чегарадан ички божхона постининг махсус тайёрланган майдонига ўтказилди».

Моддий ёрдам камаядими?

«Reuters» агентлиги хабарида айтилишича, агар 2006 йил охиригача БМТ самарали ички ислохотларни амалга оширмаса, АҚШ ушбу ташкилотга ажратилган маънавий кўмак миқдорини кескин камайтиради. АҚШнинг БМТдаги вакили Жон Болтон шундай баёнот берди. Унинг сўзларига кўра, Қўшма Штатларнинг ташкилотга нисбатан бир неча эътирозлари бор. Шу жумладан, АҚШ БМТ раҳбариятининг бошқарув фаолиятдан ҳам норози бўлмоқда. Ҳозирги пайтда АҚШ ажратаётган маблағлар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти йиллик бюджетининг тўртдан бир қисмини ташкил этади.

ЖАҲОН

24 соат ичида

АҚШ элчихонасига ҳужум

Кеча эрталаб Сурия пойтахти Дамашқда Америка Қўшма Штатлари элчихонасига ҳужум уюштирилган. Бу ҳақда «Reuters» ахборот агентлиги хабар тарқатди. Унда айтилишича, икки киши автомат ва гранатомётдан элчихонани ўққа тутган. Бошқа бир хабарда эса элчихона олдида машина портлатилгани таъкидланган. Дастлабки маълумотларга қараганда, воқеа содир бўлган чоғда суриялик бир кўриқчи ҳалок бўлган. Элчихона вакилларидан ҳеч ким жабр кўрмаган. Хабарларда айтилишича, элчихона жойлашган ҳудуд Сурия полицияси томонидан ўраб олинган. Бу ерда АҚШ элчихонасидан ташқари яна бир неча мамлакат, жумладан, Ироқ элчихонаси ҳам жойлашган.




Вертолёт қулаб тушди

Россия Мудофаа вазирлигига қарашли Ми-8 вертолёти Владикавказ шаҳри яқинида ҳалокатга учради. Дастлабки маълумотларга қараганда, 10 киши ҳалок бўлган, 4 киши оғир тан жароҳати олган, бир кишининг қаердалиги номаълумлигича қолмоқда. Ахборот агентликлари хабарларида айтилишича, вертолётда Россия Мудофаа вазирлигининг юқори мартабали офицерлари бўлган.

«Флоренс» уйғонди

«Флоренс» тўфони «Бермуд» ороллари яқинлашиб келди, деб хабар беради «Agency France Press». Табиий офат маркази архипелагга жануби-ғарб томондан соатига 19 километр тезлик билан келмоқда. Тўфон атрофида айланаётган шомол тезлиги 150 км/соатга етди. АҚШнинг Тўфонларни кузатиш миллий маркази маълумотида қараганда, «Флоренс» яқин 24 соат ичида ана шундай ҳаракатда бўлади. Эслатиб ўтамиз, ушбу тўфон 6 сентябрь кuni Атлантика океани устида ҳосил бўлган ва яқинба кuni ундаги шомол тезлиги 120 км/соатга етгач, биринчи тоғфали тўфонлар қаторига қўшилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Ўзини ўзи бошқариш мактаби

Сурхондарёда 120 та қишлоқ фуқаролар йиғини бўлса, Қизилқум туманидаги «Янги йўл» — шуларнинг ичида энг фаолларидан бири. «Янги йўл»нинг ходимлари ҳамма қатори маош олишади. Ваколатларига тегишли юмушларни вақтида бажариб боришади. Фақат...

Қўналғам — утлауф қўрғоним

Уларнинг бир фазилати диққатга сазовор. Ҳар кuni бир янги гап, янги ташаббусни даврага олиб чиқишади. Ташаббусларида ҳамма бу-нинг долзарб муаммо-масалалари инфодаланиб туради. Йигин Қизил гул деган чекка бир қишлоқнинг ший-пониди ишларди. Фермер хўжаликлари тузилиб, «Гиллабоб» ширкат хўжалигининг икки қаватли мухтажам идораси бўшб қолди. Йигин раиси Абдимурод Бўтаевнинг, «Шу бинони ихтиё-римизга берсанглар, уни идорага эмас, ўттизта одам ишлайдиган корхонага ай-лантириб юборамиз» деган таклифи инобатга ўтди. Раис вазъатининг устидан чиқди. Хашар уюштириб имо-ратни ташкирлади. Ва кўз очиб юмгунга қадар 27 та иш ўрнини яратди: соатсооз, теле-устелар, этикдўзлар, би-чиш-тиқиш чеҳи, компьютер-хона, хатдан нуска кўчиру-чи, суратчилар... Хуллас, қаровисизликдан ҳовлисидидаги даракхлари кўриб бошлаган, иморат кўрғоннинг энг серк-

атнов, обод жойига айлан-ди-қўйди. «Янги йўл»нинг ишона-ларини кўриб, йигин таркиби-даги 5 та маҳалла фаоллари ҳам кўзга келиб қолди. Дех-қон хўжалиқларининг ишла-рини мувофиқлаштиришга киришди, уч километрлик зо-вурни қазитиши бошлаб юборди. «Истиқлол» маҳал-ла фуқаролар йиғини эса гу-заридан гўшт дўкони, маи-ший хизмат нуқтаси учун жой хозирлади. Чириб, емирилиб қолган газ қувурларини ян-гиллади. Бу хайрли ишлардан четда қолмагани тагин, деб кимдир кўчасига шағал та-шиб келиб тўқди. Кимдир кўчат ўтказди, гул эқди. Йигин қошидаги тадбир-корлар ўзларининг ҳисоб рақамларини бойга таътигани, ерларнинг шўри қочаётгани, одамлар энди супрундис-ини кўчага чиқариб тўқмаёт-гани ўз йўлига. Никоҳни бе-кор қилиш можаролари тўхтади. Қўни-қўшиллар сен-менга бормай қўйди-лар. Бевоасита йигин то-монидан ўсмирлар, ёшлар так-лиф қилинадиган маърифий

анжуманлар мароқли кеча-диган бўлиб қолди. Хуллас, 14 ярим минг аҳоли яшай-диган катта ҳудуд битта ота-онанинг фарзандлари ми-сол ахилу иноқ. Айтмоқчиманки, тортишув ва тарафхонликларни йи-ғиштириб қўйиб, ҳамма ба-қамти, бамаслаҳат бўлиб ишласа. Ва ҳар бир када-мимизда эзгулик, ёруғлик пойандоз бўлса. Бўтаев режаларидан сўз очди: ёшлар ўртасида ма-ҳаллараро спорт мусоба-қаларини ўтказиш, фермер хўжалиқларини жамоат юмушларига кўпроқ жалб этиш. Мақабларда таълим-тарбия тадбирлари сифати-ни таҳлилдан ўтказиб бо-риш, милиция таянч пункт-лари билан ҳамкорликни яқши-лаш ва яқин орада яна 20 та янги иш ўрнини яра-тиш... — Шу кўрғон — бизнинг Ватанимиз. Доимо у са-ранжом-сарийтаю тоза-покиза бўлмоғи шарт, — дейди у.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ АГЕНТЛИГИ

шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очик тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия шаҳарлараро-вилоятлараро йўналишларда ишлаш ҳуқуқини олиш учун 2006 йил 14 сентябрь кунига белгиланган очик тендерни ўтказиш 2006 йил 11 октябрь кuni соат 10.00 га кўчирилганли-гини маълум қилади. «Халқ сўзи» газе-тасининг 2006 йил 15 августдаги 157-сониди ва «Авто+» газетасининг 2006 йил 17 августдаги 33-сониди эълон қилинган тендерга қўйиладиган йўналишлар рўйхати ва уларга қўйилган талаблар ўзгартиришсиз қолади.

Қатнашчиларнинг тендер таклифлари идоралараро комиссия томонидан 2006 йилнинг 10 октябрь кuni соат 14.00 гача қабул қилинади.

Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг мажлислар зали. Маълумот учун телефонлар: 142-56-27, 142-18-10.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 15 ЙИЛЛИГИ БИЛАН БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ ТАБРИКЛАЙМИЗ! УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, ИШЛАРИДА ОМАД ВА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

ОАЖ «ЎЗКАБЕЛЬ» қўшма корхонаси

Ўрта Осиё кабель-ўтказгич маҳсулотларининг энг йирик ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100041, Тошкент ш., Ф. Хўжаев кўчаси, 2. Тел./факс: 162 02 86, 162 39 58, 162 29 02, 162 02 36. Ишлаб чиқариладиган кабель-ўтказгич маҳсулотларининг асортименти 2197 ташиқил этади. Товар сертификатланган.

www.uzkabel.uz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН



ХАЛҚ БАНКИ

мижозларга 20 га яқин жозибадор омонат турларини жорий этган ҳолда, пахта йиғим-теримида иштирок этаётган ҳамюртларимизга янги «ТАДБИР» жамғарилувчи омонат турини таклиф этади.

Омонат турига пул маблағлари 3 ой муддатга қўшимча бадал қабул қилиш ва йиллик 24 фоиз миқдорида даромад тўлаш шarti билан камида 20 000 сўм миқдорида банкнинг барча муассасаларида қабул қилинади.


Оилангиз банки томонидан яратилаётган имконият ва қулайликлардан фойдаланинг!

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг темир йўл орқали сафарга бориш эҳтиёжларини қондириш, уларнинг йўлдаги вақтини қисқартириш, қулай шароитлар яратиш ва сервис хизмати кўрсатишни яқшилаш, шунингдек, темир йўлда сайёҳларни ташишни ривожлантириш мақсадида 2006 йил 14 сентябрдан бошлаб

«ТОШКЕНТ — БУХОРО — ТОШКЕНТ»

йўналиши бўйича юқори қулайликка эга бўлган янги 10/9-«SHARQ» экспресс-поезди ҳаракатлана бошлайди.

Юқори қулайликка эга тезорар «SHARQ» поезди биринчи ва иккинчи классли вагонлардан ва битта вагон-буфетдан иборат. Вагонлар юмшоқ ўриндиқлар билан жиҳозланган. Сафар давомида йўловчиларга чанқовбосди ичимликлар, енгил попуштлар таклиф этилади ва бошқа қўшимча сервис хизматлари кўрсатилади, шунингдек, улар видеофильмлар ва музика клипларини томоша қилишлари мумкин.



«SHARQ» поездининг ҳаракатланиш жадвали

	Ҳаракатланиш кунлари	Жўнаб кетиш	Етиб бориш
№ 10 Тошкент — Бухоро	ҳар кuni	08.45	16.13
№ 9 Бухоро — Тошкент	ҳар кuni	07.20	14.50

Маълумот учун Тошкентдаги телефон: 199-76-27.

Хизматлар лицензияланган.

ПРЕДЛАГАЕМ СТРОИТЕЛЬНЫМ, КАДАСТРОВЫМ, ИЗЫСКАТЕЛЬСКИМ ОРГАНИЗАЦИЯМ.

- измерительные приборы для строительства;
- приборы и оборудование неразрушающего контроля и технической диагностики;
- оптические нивелиры и теодолиты, цифровые и лазерные нивелиры;
- рулетки фиброглассовые и металлические (3м, 5м, 8м, 20м, 25м, 30м, 50м, 100м), телескопические нивелирные рейки;
- электронные теодолиты, безотражательные дальнометры, GPS-приемники, электронные тахеометры, персональные и автономные навигаторы GARMIN.

ул. Навои, 2а. Тел.: 142-46-31, 316-59-41. Факс 134-53-66. E-mail: geo_inform@yahoo.com

«LOK KOLOR SINTEZ» КК

КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ

Тулов тури - пул ўтказиш ёки нақд пул билан

ТИҚУВ МАҲСУЛОТЛАРИНИ тақдим этади

- ЎРИН ТЎШАК МАҲСУЛОТЛАРИ
- МАҲСУС КИЙИМЛАР
- БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ

Ушбу маҳсулотни **ФИРМА - МАГАЗИНИМИЗДАН** завод нархларида сотиб олишингиз мумкин (мўлжал — «Фарғона йўли» кўчасидаги собиқ тепловоз депоси)

Манзил: Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22. Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс (998 71) 191-74-63

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар аиққатиға!

«Газдевайс» ЕАЖнинг (Россия, Москва) Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили

«Крокус Газ Сервис» КК

(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

Россияда ишлаб чиқарилган «АГАТ» русумли, ультратовушли, ўлчанаётган газ ҳароратини автоматик равишда тўғрилайдиган,

Замонавий электрон газ ўлчагичларини таклиф этади.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м3 дан 25 м3 гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м3 дан 40 м3 гача).

Ётказиб бериш, монтаж қилиш; кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — 1 йил давомида.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Дзимова кўчалари кесишган жойда, Мўлжал — Шахри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-79.

Мехри дарё мураббийлар

Ривоят қилишларича, бир донишманд ўз шогирдлари билан кетаётганда ёш болага дуч келибди. Шунда устоз оддан тушиб, у билан куюқ саломлашибди. Болакай ўтиб кетган, шогирдлар бу ҳолнинг сабабини сўрашибди:
— Устозимнинг фарзанди, — дея жавоб берибди донишманд. Балки «Устоз отангдек улуг» деган мақол ҳам айнан ўша даврда пайдо бўлган бўлса, не ажаб? Устозлар ҳақида ёзиш нечоғли осон бўлса, шу қадар мушкул ҳам. Айниқса, у нафақат сизнинг, ака-опаларингизнинг, балки отангизнинг ҳам устози бўлса...

дек бўлса, аҳоли биринчи галда «мадад»чиларга мурожаат қилишади. Сўнгра улар аризани жойига бориб ўрганишади, керакли маслаҳатлар беришади. Зарур бўлганда юқори идораларга чиқиб, камчиликларга барҳам бериш юзасидан амалий ёрдам сўрашади.
— Энг бахтли одам ким, биласизми? — дейди Турғунбой ака, — Кимгадир кераклигини хис қилиб, яшаган одам.

«Фахрийлар куни» деб белгиланганининг боиси нимада?
— «Мадад» фахрийлар гуруҳи тумандаги барча ўқув даргоҳларида давоматни текшириди. Ўзлаштирмачи ўқувчиларнинг оилавий шароитлари билан танишиш, суҳбатлар ўтказди. Ўшарга энг кўп таъсир қиладиган нарса шахсий намуна экан. Шу боис ҳар бир синфга туман ташкилотлари раҳбарларини фахрий ўқувчи қилиб

Турғунбой Тўйчиев:

«БУ КУНЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛГАНДИК»

Бўзлик Турғунбой хожи Тўйчиевнинг 9 нафар фарзанди, 40 невараси ва 18 нафар чевараси бор. Уларнинг 17 нафари муаллим. Ҳар бири туман мактабларида турли фанлардан ўқувчиларга сабоқ беришади. Ушбу оиланинг умумий педагогик стаж салкам тўрт асрни ташкил этади — 390 йил!

Бўзликлар Турғунбой муаллимнинг отаси Тўйчиев довлани яхши эслашади. Мазкур туман ташкил топган дастлабки йилларда бу ерга кўчиб келган Тўйчиев Йўлчиев илк мактаб очилишида ташкилотчилик қилди ва умрининг сўнгги йилларигача ўша 1-мактабнинг директори бўлди. У раҳбарлик қилган даврда ҳар йили ўнлаб ўқувчилар олий ўқув юртлири талабаси бўлишди. Ёш, ташаббускор ўқитувчиларнинг кўллаб-қувватланиши боис, улар нафақат туман, балки вилоят ва республикада ташкил этилган танловларда ҳам голиб бўлиб чиқдилар. «От ўрни той босар» деганларидек, отанинг ўрнига тарих ўқитувчиси мутахассислигини эгаллаган Турғунбой раҳбар этиб тайинланди. Бўз — Андижон вилоятининг кўрик тумани эмасми, кадрлар етишмасди. Бу эса ўқув жараёнида турли мураккабликларни келтириб чиқарди.

— Мактабдан олий ўқув юртлирига учирма бўлган ўқувчиларимиз институтларни битириб келган, кадрлар етишмаслиги муаммоси ўзидан хал бўлди. Хатто туманининг бошқа мактабларида ҳам бизнинг собиқ ўқувчиларимиз дарс бера бошлади, — дея хотирлайди Турғунбой ота. — Ўша пайтларда бугунгидай шароит,



имконият бўлганида эди... Хозирги ёшлар ҳар қанча фахрланишса, қувонишса оз. Замонавий услубда қурилган мактаблар, замонавий спорт иншоотлари... Буларнинг фақат орзу қилиш мумкин эди. Бугунги ёшларимизнинг бахти шундаки, улар биз орзу қилган шароитларда тахсил олишяпти. Буларнинг барчаси Мустиқиллик шарофатидан! Халқимизда «жонсарак» деган сўз бор. Тиниб-тинчимайдиган, ҳамиша бошқаларнинг ташвиши билан яшайдиган одамларга бериладиган таъриф бу. Бу байни Турғунбой отага тегишли. Кимдир пенсияга чиққан, қарилгини тан олган ҳолда, ўзини чоллар даврасига, чойхоналарга уради. Турғун-

бой ота эса... пенсияга чиққан ҳам тинч тургани йўқ. Айрим қариялар сингари чойхонапаловни еб, тенг-тушлари билан мириқиб суҳбатлашиб ўтиролмайдди. Бунга жонсараклиги имкон бермайдди. Кекса педагоглардан иборат «Мадад» гуруҳи ҳам отанинг ташаббуси билан ташкил этилган. Гуруҳнинг мақсади — мактабларда ўқув жараёнларини кузатиш, ёш педагогларга ёрдам бериш, ўсириллар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар ижросига кўмаклашиш, шунингдек, билим масканларидаги камчиликларни тугатишга хизмат қилиш. Тумандаги бирор мактабда камчиликми, нуқсонми, сезилгу-

Эътироф этиш керак, қайси соҳада бўлмасин, пенсияга чиққан фахрийлар кўп ҳолларда унутиб қўйилади. Олимларнинг таъкидлашларича, пенсия ёшидаги зиялилар кўпроқ эътиборсизликдан тушкунликка тушиб қолишар экан. «Мадад» гуруҳи фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг дам олишларини ташкиллаштириш масалаларига ҳам эътибор бера бошлади. Яқинда Самарқанд, Бухоро шаҳарларига зияратлар уюштирилди. Энди улар ўзининг 2000 йиллигини нишонлаш арафасида турган Марғилон шаҳрига ташриф буюришмоқчи.

— Ўтган ўқув йилида туман мактабларида ҳар ойнинг биринчи куни

бириктириб қўйдик. Натижа ёмон эмас. Мактабларда таҳсил олаётган фахрий «ўқувчиларимиз» мактаб ремонт, кутубхоналаримизни янги асарлар билан бойитишга баҳоли қудрат ҳисса қўшишмоқда. Яқинда 1-мактабнинг 75 йиллигини нишонладик. Шу куни мактабнинг собиқ битирувчилари — синфдошлар учрашув учун йиққан пулларига мактабга китоблар совға қилишди. Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом эса қарийб 150 минг сўмлик китоб ҳада этди. Натижада мактабимиз кутубхонаси тумандагина эмас, хатто вилоятда ҳам энг бой зия ёмасканга айланди. Қанийди, катта-кичик сармоядорларимиз ҳам ўқув масканларидаги кутубхоналарни баҳоли қудрат бойитишга ҳисса қўшишса? Бундан ўзлари ҳам, келажак авлод ҳам баҳраманд бўларди.

Муборак китобларга қуйидаги бир хикमत битилган: «Кеча узундир — уни уйку билан қисқартирма, кундуз ёруғдир — уни гуноҳ билан қорайтирма». Турғунбой Тўйчиев ва унинг Фуломжон Отахонов, Соёибназар Матқаримов, Эркинжон Зулунов, Аҳмаджон Тўхтасинов, Алфияхон Исомиддинова сингари сафдошлари нурафшон кулларимизни янада ёруғ қилиш учун бор имкониятларини ишга солишмоқдалар.

Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» муҳбири.
СУРАТДА: Турғунбой Тўйчиев маҳаллақўрашлари даврасида.
Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Осиё ўйинлари олдида



Кератэ мамлакатимизда энг оммалашган спорт турларидан саналади. Бугунги кунда етмиш минг нафардан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар мазкур спорт тури билан мунтазам шуғулланадилар.

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмусида ёшлар ва ўсириллар ўртасида уюштирилган Ўзбекистон кубоги баҳслари ҳам мурасиз курашларга бой бўлди. Унда вилоятлардан келган минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди. Мусобақа иштирокчилари нафақат голиблик, балки жорий йил декабрь ойида Қатар пойтахти — Доҳада ўтадиган XV Осиё ўйинларига йўлланмалар учун

майдонга чиқдилар. Уч кун давом этган беллашувлар яқинига кўра, умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти спортчилари биринчи ўринни кўлга киритди. Иккинчи ўрин Тошкент, учинчи ўрин эса Андижон вилоятлари жамоаларига насиб этди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



Спорт

AGROTECH

«CASE CE» КОМПАНИЯСИНING ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТОРИ БЎЛИБ, У ЕР КАВЛАЙДИГАН, ҚУРИЛИШ ВА ГИДРОМЕЛИОРАЦИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРАДИГАН ТЕХНИКАЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛТИРИБ БЕРИШ БЎЙИЧА 10 ЙИЛЛИК ТАЖРИБАГА ЭГАДИР.

«AGROTECH» компанияси қуйидаги хизматларни таклиф этади:
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларни етказиб бериш;
- «CASE CE» компаниясида ишлаб чиқарилган техникаларнинг барча таъмирлаш ишларини бажариш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш;
- асл (оригинал) эҳтиёт қисмларни сотиш;
- лизинг орқали техникаларни олишда ёрдам кўрсатиш, техника ва эҳтиёт қисмларни сотиб олиш учун турли хил молия схемаларини таклиф этиш.

100074, Тошкент ш., Мухтор Ашрафий к., 108-уй.
Телефон: +998 71 120-60-30.
Факс: +998 71 120-60-20.
E-mail: agrotech@alobalnet.uz

CASE
ПРОФЕССИОНАЛЬНЫЙ ПАРТНЕР

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНИҒИЗ КАЛИТИДИР!

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!
«ҚАШҚАДАРЁАВТОЙЎЛ» ЙЎЛ ҚУРИЛИШ ҲУДУДИЙ ШЎҒБА ТАШКИЛОТИ
қуйидаги иншоотга пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

Қарши шаҳрида 50 ўринли «Қашқадарёавтойўл» ўқув корпуси қурилиши.

Қурилиш муддати — 150 кун.
Бошланғич нархи (ККС билан) — 187.143.997 сўм.
Буюртмачи — «Қашқадарёавтойўл» ЙҚШТ.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, «Хонобод» кўчаси, 23-уй.
Телефонлар: (8-375) 221-00-08, 221-07-88. Факс: (8-375) 23-58-72.
Қурилиш ишларини молиялаштириш «Қашқадарёавтойўл» ЙҚШТ фойдаси ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг қамида 20 фоиз миқдорда айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўқшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши шарт.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўвнома билан савдо ташкилотчиси — Қарши шаҳри, «Ўзбекистон» кўчаси, 52-уйда жойлашган Капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./Факс: (8-375) 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўламан тендер ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Тендер ҳужжатларини эълон чоп этилгандан сўнг 25 кунгача сотиб олиш мумкин. Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишининг охириги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин «Қашқадарёавтойўл» ЙҚШТ биносида ўтказилади.
Манзил: Қарши шаҳри, «Хонобод» кўчаси, 23-уй.

Газ улғуржи астеъмоқчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!
«Крокус Газ Сервис» ҚҚ
(Чкалов номи ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган **турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.**

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстанарт» агентлигининг сертификатида эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесиган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Давлат активларини сотиб олиш натижасидаги шахслар диққатига!

Давлат активларининг республика Кўчаси мулк биржаси ҳамда «Тошкент» республика фонд биржаси савдоларида чиқарилиши ҳақидаги маълумотлар «Биржа» ва «Менинг мулк» ва «Частная ответственность» газеталарида чоп этилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси жамоаси Сирдарё вилояти Давлат архитектура ва қурилиш назорати бошқармаси бошлиғи **Владимир Мадаминович АЛИМЖАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Республика шоялининг тиббий ёрдам» илмий маркази жамоаси профессор **Уллубек Акбарович АСҚАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи **Ш. ЖАББОРОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1157. 21086 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терияди ва операторлар Жамшед Тоғиев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусасхалар — М. Есубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқини — Тошйирлиди — 234 566